



# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 18 июн, чоршанба № 94 (1519)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПРЕЗИДЕНТ ЭРОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 июн кунни расмий ташриф билан Эрон Ислом Республикасига жўнаб кетди. Техронга жўнаш олдида мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.**

Ислом Каримов, ташрифдан кўзланган мақсадлар ҳусусида тўхталар экан, Эрон ўз минтақасидаги иқтисодий жиҳатдан салоҳиятли мамлакатлар сирасига кириши ва бу давлат билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш жуда муҳимлигини таъкидлади.

- Нефт ва газ заҳиралари бўйича дунёнинг энг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олган Эрон сўнгги пайларда коммуникация соҳасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда, - деди мамлакатимиз раҳбари. - Масалага шу жиҳатдан ёндашилса, Эрон билан ҳамкорлик биз учун муҳим аҳамият касб эти-



ши янада ойдинлашади.

Эрон билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларга келсак, 2002 йили ўзаро савдо-сотиқ ҳажми 260 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. 1998 йили бу кўрсаткич 4 баробар кам эди. Мазкур ташриф давомида ўзаро иқтисодий алоқорлик, икки ўртадаги алоқаларни ривожлантиришда тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш, террорчилик, наркотик моддалар контрабандаси, уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашишга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда. Айни пайтгача икки мамлакат ўртасида 40 дан ортиқ ҳужжат имзоланган.

Ташриф давомида минтақа мамлакатлари ўртасидаги коммуникация тармоқларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада Техронда Эрон раҳбарияти билан бирга Афғонистон ўтиш даври ҳукумати раиси Ҳамид Карзай билан ҳам музокара ўтказиш режалаштирилган.

(ЎЗА)

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕҲРОН УЧРАШУВЛАРИ

**ТЕҲРОН. 17 июн. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Техронга етиб келди.**

Эрон Ислом Республикаси Президентининг «Жумҳурия» қароргоҳидаги расмий кутуб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Эрон Ислом Республикаси Президенти Сайид Муҳаммад Ҳотамий ўртаси-

да яқма-яқма учрашув бўлиб ўтди. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, террорчилик, наркотиклар контрабандаси каби халқаро му-

аммоларга қарши биргаликда курашиш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашди. Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида ҳам Ўзбекистон-Эрон алоқаларини янада кенгайтириш борасида сўз борди. Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳотамий Ўзбекистон Эрон экспортни ривожлантириш банки ўртасида кредит битими имзоланди. 2000 йили имзо-

ланган экстрадиция тўғрисидаги битим бўйича ратификация ёрликлари алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати билан Эрон хавфсизлик вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумга имзо чекилди.

Давлатимиз раҳбарининг Эронга расмий ташрифи давом эт-

моқда. Давлатимиз раҳбарининг Эронга расмий ташрифи давом эт-

моқда. Давлатимиз раҳбарининг Эронга расмий ташрифи давом эт-

Андижон вилояти «қумуш тола» миришкорлари пилла топшириш шартнома мажбуриятларини бажарди. Режа 2229,6 тонна бўлгани ҳолда 2286,4 тонна қимматли хомашё олинди. Топшириқ 102,5 фоиз уудаланди. 41255 қути қурт уруғининг хар бирдан ўртача 55,5 килограммдан пилла олинди.

### АНДИЖОН ИПАГИ

Биринчилар қатори топширишни Улуғнор тумани пиллакорлари бажарди. Улар режадан 12 фоиз ўзиб кетишти. Булоқбошилиқ ва қўргонтепалликлар ҳам режа кўрсаткичларини 6-7 фоиз ортиғи билан уудалди.

- Хосидорлик бўйича Жалақудуқ тумани пиллакорлари пешқадамлик қилмоқда, улар ҳар қути қурт уруғидан 59 килограммдан пилла олишга эришди, - дейди «Пилла» вилоят акциядорлик бирлашмаси бosh агрономи А.Абдуллаев. - Вилояткишлоқхўжалиқимиз бўлиналари раҳбарининг фаол ишлаши тўғрисида бу йил озқани зарарчилардан асрай олдик. Пилла тайёрлаш мавсуми давом этмоқда ва пилла хирмони юқалиб бормоқда.

### УЛАР ЯПОНИЯГА БОРАДИ

Қорақўл туманидаги иқтидорли болалар мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчилари Азиз Жўрақулов, Дониёр Нафосов ҳамда 10-синф ўқувчиси Жамол Курбонов сафарга ҳозирлик қўрмоқда. Улар математика фанидан Японияда ўтадиган 44-халқаро олимпиадада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

- Халқаро олимпиадада мамлакатимиздан олти нафар ўқувчи иштирок этади, - деди фахр билан мактаб-интернат директори Тўхтамурод Жумаев. - Уларнинг уч нафари бизнинг ўқувчиларимиз. Азиз ва Дониёр ўтган йили Шотландияда бўлиб ўтган 43-халқаро олимпиадада ҳам қатнашиб, яхши натижалар билан қайтган эди.

Қачонки меҳнатда интизом, ишбилармонлик ва ҳамжихатлик бўлса, ўша ерда силжиши ва самарадорлик бўлади. Буни Китоб туманидаги Каромат Рустамова номли ширкат ҳўжалиги фаолиятида яққол кўриш мумкин.

Ҳўжалиқда жами 1527 гектар ҳосилдор ер бор. Унинг 114 гектаридан тоқозор барпо этилган. Қолган майдонларда дон, пахта, сабзавот, беда, полиз маҳсулотлари етиштирилади. Ҳўжалиқнинг асосий тармоғи боғдорчилик ва чорвачилиқдан иборат. Мавжуд 644 бош қорамолнинг 220 таси соғин сизирлар бўлиб, 1670 та қўй-қўзилар лағми ерларда боқилади. Хар йили 264 тонна сўт шартнома асосида қайта ишлаш корхонаси, тумандаги боғча ва шифохоналарга жўнатилади.

Айни кунларда ҳўжалиқ ипақ қуртдан режадаги 36,5 тонна ўрнига 38,8 тонна қумуш тола етиштириб, ҳосилдорликини 122 фоизга уудалди. - Насиб этса ўримни ҳам 12-15 кунда тугаллаيمиз. Давлатимиз хирмонига режадаги 85,5 тонна ўрнига 120 тонна дон топширишни мўлжаллаганмиз, - дейди ҳўжалиқ раиси, Абдували Ваҳобов. - Оилавий пудрат ишлаб чиқаришимизнинг негизи ҳисобланади. Йилнинг сарғин ва инжиқ келишидан бироз азият чеккан бўлсақда, пешқадамликни қўлдан бермаётимиз.

Миришкор деҳқонларнинг ғайрати ҳўжалиқ маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан муносиб баҳоланмоқда. Ижтимоий ҳимояга ва маданий-маиший соҳаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2002-2003 йилларда Олимпиада ва спорт ишларини ривожлантиришга 385 минг сўм, ўқув анжомларига 345 минг сўм, мактабларни қўллаб-қуватлаш

ишига 1,5 миллион сўм, болаларнинг ёзги дам олишлари учун 1 миллион 110 минг сўм, фахрий ва байналмилалчиларга моддий ёрдам учун 374 минг сўм, ноғирон ва тўшақда ётиб қолганларнинг ҳолидан хабар олиш учун 686 минг сўм маблағ сарфланди.

Ҳўжалиқда икки йил ичида қуриб битказилган 4 та қишлоқ врачлик пунктлари ва 145 ўринли мактаб қурилиши учун жами 5 миллион сўм, аҳолининг табиий газ билан таъминлаш ишлари учун 13,5 миллион сўм сарфлангани сўзимизнинг далилидир. Бундан ташқари ҳудуддаги ёлғиз яшовчи Ҳ.Икромованинг уйи тўлиқ таъмирлаб берилди. 5 нафар кам таъминланган оиладорнинг уйлари газлаштирилди. 16 нафар ноғиронга ҳўжалиқ ҳисобидан аравачалар тортиқ қилинди.

Обод маҳалла йили муносабати билан қишлоқларни қўқаламзорлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. 26750 туп мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди. Мадааний-маърифий ишларни яхши йўлга қўйиш мақсадида ҳам анча самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, маҳалла ва қишлоқлар ўртасида «Энг яхши хонадон», «Энг яхши маҳалла», «Энг яхши қишлоқ», «Энг яхши мактаб» мусобақалари ўтказилиб, голибларга ҳўжалиқ совринлари таъсис этилган. Яқинда қатта маҳалла гузарари кўча туркумлари ҳам ҳўжалиқ аҳли учун қувонарли ҳодиса бўлди.

Марям АҲМЕДОВА

## СЎНИК ҚАЛБЛАР АРДОҚДА

Хоразм вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси ташаббуси билан АҚШнинг «Тинчлик корпуси» ва «Спишиал Олимпикс» халқаро ҳаракати билан ҳамкорликда Шовот туманида жисмонан ва ақдан имконияти чекланган болалар учун биринчи марта оромгоҳ ташкил қилинди. Бу Хоразм вилоятининг «Спишиал Олимпикс» халқаро ҳаракатига қўшилиши учун қўйилган илк қадам бўлди. Айтиш жоизки, халқаро ҳаракат имконияти чекланган болаларнинг ҳаётига чуқур кириб бормоқда. Хусусан, туман касаба уюшма қўмиталари ҳошида спорт клублари ташкил қилиниб, доимий равишда машғулотлар, спорт мусобақалари, учрашувлар, экскурсиялар уюштирилиб келинмоқда. Буларнинг барчаси болалар ўзларини бошқалардан ажраландек ҳис қилмасликлари, жамиятнинг тўлақонли аъзолари эканликларини тушуниб етишларига қаратилган.

2002 йил июл ойида Урганч шаҳрида ўтказилган кичик Олимпиада ўйинлари имконияти чекланган болалар югуриш йўқларида юқори кўрсаткичларига эриша олишлари мумкин эканлигини кўрсатди. Хоразм вилоятининг мини футбол терма командаси Алматы шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё мамлакатлари биринчи Махсус олимпиада ўйинларида бронза медални қўлга киритди. Бу вилоятда «Спишиал Олимпикс» халқаро ҳаракати бўйича ишлаётган жамоаларнинг эзгу ишларидан далолатдир.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

### Ёзги соғломлаштириш

## ОРОМГОҲГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Табиатнинг энг сўлим, баҳаво ерларида жойлашган оромгоҳларда болаларнинг суҳ-шодон овозлари эшитилиб, ўзгача бир тароват касб этди. Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси тасарруфидида болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш учун пухта тарадуд қўрилди. Чунки бу йил тармоқ меҳнатқашларининг 4250 нафар фарзандлари мазкур дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришади.

- Жорий йилнинг май ойида Вазирлар Маҳкамасида «2002 йилда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш яқунлари ҳамда 2003 йилги ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёрларлик кўриши ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги республика доимий комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтганди, - дейди тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг раиси Тоҳир Назаржонов. - Мазкур мажлисда мавсумни юқори савияда ўтказиш учун турли мулоҳаза ҳамда тақлифлар билдирилди. Биз ҳам шундан келиб чиққан ҳолда болалар ёзги оромгоҳларини мавсумга пухта ҳозирлаш учун барча имкониятларни ишга солишди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти билан дам олувчи фарзандларимизнинг сонини ўтган йилдан кам бўлмашлиғи ҳақида келишиб, бу ҳақда қўшма қарор қабул қилдик.

Дарҳақиқат, тармоқ тасарруфидидаги барча оромгоҳлар белгиланган муддатда мавсумга тахт ҳолга келтирилди. Биргина Тошкент шаҳар телефон тармоғи корхонасига қарашли болалар соғломлаштириш оромгоҳини таъмирлаш учун 10 миллион сўм сарфланди. Турли жиҳозлар, шу жумладан, мебеллар ва спорт жиҳозлари харид қилиш учун 8 миллион сўм ажратилди. Қашқадарё вилоятидаги «Алоқачи» бола-

лар оромгоҳи ҳам айни пайтда болаларни қабул қилиб олди. Оромгоҳларга малакали педагоглар ҳамда тиббий ходимлар жалб этилди. Бухоро вилоятидаги «Еш алоқачи» болалар оромгоҳида айни пайтда тармоқ меҳнатқашларининг 121 нафар фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу йилги мавсум ўзига хос келди. Айрими моддий қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг раҳбарияти билан келишилган ҳолда таъмирлаш, керак бўлган жиҳозларни харид қилиш учун барча имкониятлар сафарбар этилди. Оромгоҳлар бутун мавсум давомида гўшт, шакар, ун, гуруч ва бошқа керакли маҳсулотлар билан мутасил таъминлаб турилади. Бунинг учун эса ўзаро келишув асосида хар бир оромгоҳ савдо ташкилотлари, фермерлар, жамоа ҳўжалиқлари ва тайёрлов идораларига бириктириб қўйилган. Шу билан бирга оромгоҳларга ернинг ижара ҳақини тўлашда имтиёз берилган. Яна бир янгилик. Бу ҳам бўлса кўпчилик ота-оналар йўлланмаларни бепул оладиган бўлишиди. Чунки бу харажатни жоилардаги корхоналар маъмурияти ўз зиммаларига олишапти.

Тармоқ меҳнатқашларининг фарзандлари ёзги мавсумда мазмунли дам олибгина қолмайдилар. Улар ўз иқтидорларини намойиш этиш имконига ҳам эгадилар. Болалар расм чизиш, турли тўғаракларга қатнашдилар. Бунинг учун барча оромгоҳлардаги «Маънавият ва маърифат» хоналари яхшилаб жиҳозланди. Мавжуд кутубхоналардаги адабиётлар сонини кўпайтирилди. Суз ҳавзалари ва спорт майдончалари ишлаб турибди. Биргина Жиззах вилоятидаги болалар оромгоҳига шу йилнинг ўзида 300 минг сўмлик спорт жиҳозлари харид қилинди.

Н.РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири

### «Сўғдиёна» спорт мажмуасида шаҳардаги саннат қорхоналарида ишлаб чиқарилган спорт кийимлари ва анжомлари кўргазмаси очилди.

Унда «Стеклопластик» акциядорлик жамияти, «Пар-Импекс» савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Веранда», «8 Март», «Мохи», «Кинап», «Нацки» каби корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

- Бизга «Стеклопластик» ва «Кинап»да тайёрланган спорт буюмлари, айниқса, жуда маъқул бўлди, - дейди Қўшрабат туман халқ таълими бўлими мудири Н.Усмонов. - Сабаби, улар пиш-пухта, бежирим ва қулай. Хориж-

### «СЎҒДИЁНА»ДА ЎЗИГА ХОС КЎРГАЗМА

никидан қолишмайди. Шу боис, бу корхоналар билан 83 миллион сўмлик спорт анжомлари олиш учун шартнома имзоланди.

Дарвоқе, икки кун давом этадиган кўргазманинг биринчи куниди бир миллион юз миллион сўмлик спорт кийим-кечаклари ва анжомлари хариди учун шартномалар имзоланди.

Кўргазманинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди. (ЎЗА)

## СПОРТ ТОВАРЛАРИ - БОЛАЛАРГА

### Чарм-атторлик маҳсулотлари ва спорт товарлари ишлаб чиқарувчи «Орзу» акционерлик жамиятида курашчилар учун спорт кийимини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Акционерлик жамиятининг бosh иқтисодчиси Шўқрат Ражабов ЎЗА мухбири билан бўлган суҳбатда шунини таъкидладики, бу ерда турли ўлчамдаги хар хил спорт кийимлари тикилмоқда, чунки, катта ва кичик ёшдаги спортчилар учун, машқлар учун ва турнирларда иштирок этиш учун махсус либослар етказиб бериш масаласи Халқаро кураш федерациясининг бюртмасида курсатиб ўтилган. Ушбу корхона, шунингдек бошқа спорт бирлашмалари - бокс, футбол, волейбол федерациялари билан яқин алоқалар ўрнатган.

«Орзу» АЖ мутахассислари бугунги кунда спорт ташкилотлари ва муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш цикли бўйича ҳамкорлари билан ишбилармонлик муносабатларини йўлга қўйишни жонлантириб юборди. Зеро, Ўзбекистонда спортни, айниқса болалар спортини ривожланти-

чиқарилади.

Спорт товарларининг ишланмаси ва ташки безагини корхонанинг тажрибали уста ходимлари амалга оширган. Улар сифат жиҳатдан халқаро андозаларга тўлиқ мос тушади. Масалан, агар авваллари бокс кўкполлари ичидан мато билан тикиб чиқилган бўлса, энди у поролон билан алмаштирилди. Футбол тўплари ҳам янада мустаҳкам ишлаб чиқарила бошланди: Армавирлик (Россия) ҳамкорлар юқори сифатли резина камераларини етказиб бермоқда. Тўпнинг нархи ҳам мейёрида - 5 минг сўм. Болалар ва ўсмирлар жамоалари, хаваскор жамоалар, спорт тўғрисидаги уюшмаларга маҳсулотларни сотиб олишда муаммо туғилмайди. Тўғридан-тўғри корхонага мурожаат қилиш kifоя. Дарвоқе, яқин кунларда таъмирдан сўнг унинг фирма дўкони очилади. Корхона бир йилда 25 мингтагача футбол тўплари ишлаб чиқарилади.

Бу соҳада муаммолар ҳам бор. Ҳамма гап шундаки, ички бозор арзон чет эл маҳсулотлари, жумладан спорт товарлари билан тўлиб кетган.

Футбол тўплари ҳам бундан мустанно эмас. Тўпларни асосан Малайзия, Покистон, Хитой, Сингапурдан келтиришмоқда. Одатда, улар арзон, сунъий чармдан ишланган бўлиб, демак, сифати ҳам юқори эмас. Улар узоққа чидамайди. Ваҳоланки, бу мамлакатларда сифати юқори бўлган, мустаҳкам, қиммат тўплар ҳам бор. Боз устига ҳамма ерда тўплар қўл меҳнати билан тикилади ва бу иш юқори малака талаб қилади.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, бизнинг тўпларимиз чет элникидан ҳеч қўлишмайди. «Орзу» акционерлик жамиятида юқори малакали мутахассислар меҳнат қилади. Аммо уларнинг ўз муаммолари ҳам бор - хомашё ва материаллар етишмайди, чунки уларнинг деярли барчаси четдан келтирилади. Айни пайтда армавирликлар билан алоқа ўрнатилганининг ўзи катта утул. Бошқа кўпгина ишлаб чиқариш масалалари ҳам аста-секин халқ қилинмоқда. Корхонанинг спорт федерациялари ҳамда бошқа идоралар билан иш-

Виктор НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

**Паррандачилик соҳасига юртимизда етти хазинанинг бири сифатида алоҳида эътибор билан қараб келинади. Айниқса, мустақилликка эришганимиздан кейинги йилларда соҳанинг афзалликларини янада кўзга аққолроқ ташлаб, бу муҳим соҳани ривожлантиришга эътибор кучайтирилди.**

Янгийул тумани Бўзсув кўрғонидаги қир-адирликлар этагида жойлашган паррандачилик фабрикаси кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келади. Маълум бир даврларда корхона тараққий этиб, халқ хўжалигида юксак аҳамият касб этган эди. Бироқ, кейинчалик фабрикада маҳсулот етиштириш суръати пасайиб кетди. Хўжалик иқтисодига пугур етди. Юзлаб киши ишсиз қолди. Натижада корхона бир неча йил иқтисодий таназзулни бошидан кечирди. Мамлакатимизда тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланаётганлиги натижасида корхона ривожланиш йўлига кирди. 2000 йилда Германиянинг «Орион-Хафиз» шуба корхонаси томонидан «Умид АЖ»нинг барча акциялари сотиб олинди. Хорижий сармоядорлар корхонани хусусийлаштириш жараёнида асосан шартноманинг тўрт бандига эътиборни қаратдилар. Бунга кура германиялик ишбилармонлар 4 йил ичида корхонага 450 миллион сўм инве-

## ХОРИЖИЙ САРМОЯ

**паррандачилик корхонасини инкироздан олиб чиқди**

стиция киритиб, биринчи навбатда мавжуд қарздорликни тугатиш, фойдаланиш муддати ўтган, эскирган асбоб-ускуналарни янгилаш ва таъмирлаш ҳамда фуқароларни иш билан таъминлашни ўз олдларига асосий вазифа этиб белгиладилар. Шуниси аҳамиятлики, хорижий инвесторлар корхона иқтисодиётини юксалтириш борасида сармоя киритиш режасини бекумакуст адо этиб келмоқдалар. Шу кунгача улар томонидан жамиятга 237 миллион сўм маблағ сарфланди. Бунинг натижасида ўн та цех тўла таъмирланиб, ишга туширилди. Инкубация, озуқа тайёрлаш цехлари ҳам тайёр ҳолатга келтирилди. 30 йил давомида ишлатилмаган, яроқсиз ҳолатга келиб қолган ер ости қувурлари таъмирдан чиқарилди. Корхона озуқа базасини мустаҳкамлаш учун экин экиладиган майдонга ҳам

## Ўзбекистон-Германия: ҳамкорлик қирралари

эга. Унинг 900 гектарга яқин фойдаланиладиган ери мавжуд. Корхонага хорижий ҳамкорлар жалб этилгандан

таъмирдан чиқарилади. Йил билан ишга туширилган, яна 73 та цех фаолияти йўлга қўйилиши мўлжалланган.

Корхонада ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор билан қаралади. Масалан, ойлик маошлар ўртача 25 минг сўмини ташкил этгани ҳолда ўз вақтида бериб борилади. Ҳар бир байрамда улар муносиб рағбатлантириладилар. Ишчиларнинг ишга бориб келишлари учун махсус автобус ажратилган.


Хуллас, корхона хорижий ишбилармонлар ҳомийлигига олинганига қадар давлатдан катта қарздорликка эга эди. Чет эллик сармоядорлар фикрига кўра, барча имкониятлар ишга солинганда, йилига 150-200 миллион сўм соф даромад олиш мумкин бўлади. Айни пайтда тайёрланаётган маҳсулотлар шарҳнома асосида бозорга чиқарилмоқда. Уларни сақлаш учун корхона қошида махсус омборхоналар мавжуд. Жамият маъмурияти Ташкент шаҳрида марказлаштирилган махсус дўконлар фаолиятини йўлга қўйишни ҳам мўлжаллаган.

**Одил ЭРГАШЕВ,**  
**«Ишонч» мухбири**

## Саломатлик посбонлари

# ДАРДИНГ ОЛАЙ, БОЛАЖОН!

**Шифокорлик энг зарур, масъулиятли касб. Оқ халатли инсонлар кўмағида не-не умри азизлар дардан халос бўлиб, ўз жамоаларига, оилаларига қайтишади. Табиийки, улардан чуқур билим, ўз касбининг нозик томонларини яхши билиш, тинмай изланиш ва фидойилик талаб этилади. Шундагина шифокор муваффақиятли фаолият юритиши мумкин.**



Ҳабибулла Султонов ҳам ёшлигидан шифокор бўлишни орзу қилди. Дардга чалинган, кўнгли чўккан кишиларни даволаб, уларга шодон кайфият, эртанги кунга ишонч уйғота билган, мурақаб операцияларни моҳирона удрасидан чиққан устозларнинг кўрғанида касб-корга илхоси янада орди, мақсад сари дадил интилди. 1-Тошкент Давлат тиббий институтига қўйилган кезларида қўп изланиш, назарияни амалиёт билан муштамол қилиш имкон қадар ҳаракат қилди. Ўз хоҳиши билан кўпгина кечалари навбатчиликда қолиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш, тўғри ташхис қўйиш сирларини ўрганди.

Қалбдаги иштиёқ изланиш, фидойилик билан омухта бўлса, кўзланган максдага албатта эришилади. Ёш шифокор Султоновда ўзига хос иқтидор борлигини соҳа етакчилари эрта пайқашганди. Шу боис уни қўллаб-қувватлаб, илмий изланишлари учун шарт-шароит яратдилар. Саъй-ҳаракат, туну кун қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Ҳабибулла Султонов 39 ёшида тиббиёт фанлари доктори, профессор деган шарафли номга мушарраф бўлди. Фаолияти давомида 120 дан ортиқ илмий мақола, 1 та иختиро муаллифи бўлди. Инглиз тилини яхши билиши хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйишда, касбга оид адабиётлардан унумли фойдаланишда, илгор тажрибаларни оммалаштиришда қўл келмоқда.

Шифокорнинг бир неча йил илгари касбга оид журналлардан биринчи чоп этилган илмий мақоласи соҳа кишилари томонидан эътибор билан қўйилди. Ҳатто япониялик ҳамкасби Хиро Экизава ҳам уни ўқиб, бирга ҳамкорлик қилиш истгани билдирди. Шундан кейин ўзбек шифокори қатор халқаро анжуманларда муваффақиятли иштирок этиб қайтди. Ҳабибулла аканинг хосияти касбга меҳр қўйишга аввало ота-онаси сабаби бўлди. Ота-онаси марҳум Азизахон Султонов ўз даврининг олди шифокорларидан эди. Отаси Қудратилла Ҳикматиллаев эса фарзандига яхши мутахассис бўлиб етишиши учун барча шарт-шароитни муҳайё этишга ҳаракат қилди. Қолаверса, у устози Орхон Маҳмудовдан кечисиз миннатдор. Оиладагиларнинг барчаси ушбу касб фидойисини. Турмуш ўртоғи Назира Ҳўжаева ҳам 2-Тошкент Давлат тиббий институтини психиатрия-наркология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор. Фарзандлари




Фаррух, Шоҳруҳлар ҳам ота-она изидан бориб, оқ халатларини амалий фаолият орқали шарафланоқдалар. Айни пайтда Ҳабибулла ака Акмал Икромов туманидаги Худудлараро даволаш-реабилитация «Она ва бола» маркази директори вазифасида самарали фаолият юритиб келмоқда. Шу билан бирга Тошкент педиатрия медицина институтининг «1-госпитал педиатрия кафедрасида» талабаларга сабоқ бермоқда. У шахар педиаторлар жамияти раиси ҳамдир. Тажрибали шифокорларнинг эътирофи этишларини ўқиб, бирга ҳамкорлик қилиш истгани билдирди. Шундан кейин ўзбек шифокори қатор халқаро анжуманларда муваффақиятли иштирок этиб қайтди.

ҳадисини олган, қўли енгил, ташаббускор шифокордир. Худди шу иқтидор туфайли қанчадан-қанча ўғил-қизларнинг жонига оро кирди, баъзи ўринларда уларнинг ҳаётини сақлаб қолишга эришди.

Марказ фаолиятига тўхтаганидан бўлса, асосан пайтахтимизнинг 5 та туман аҳолисига хизмат кўрсатади. Шифохона 310 ўринга мўлжалланган бўлиб, беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Она ва болаларга хизмат кўрсатиш бепул ташкил этилган. Бўлажак оналарни туғруққа тайёрлаш, гўдакларнинг соғлом ўсишини таъминлаш борасида бир қанча ибратли ишлар амалга оширилди. Қарангки, ўғил болалар туғилганидан то 15 ёшга қадар, қиз болалар туғилгандан то 49 ёшга қадар марказнинг доимий назоратида бўлар экан. Шу боис ёш болалар ўртасида ўлим билан боғлиқ ҳолат 2,5 баробарга камайгани кўрсаткичи.

Марказ директорининг айтишича, беморнинг соғайишида малакали тиббий ёрдамдан ташқари, ширин-шароитни муҳайё этишга ҳаракат қилди. Қолаверса, у устози Орхон Маҳмудовдан кечисиз миннатдор. Оиладагиларнинг барчаси ушбу касб фидойисини. Турмуш ўртоғи Назира Ҳўжаева ҳам 2-Тошкент Давлат тиббий институтини психиатрия-наркология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор. Фарзандлари



лом фарзанд дунёга келди, - дейди марказ директори Ҳабибулла Султонов. — Шундай экан, марказимизга мурожаат қилгунга қадар улар саломатлигини назорат қилиб, касаллик келтириб чиқарувчи омилларни олдини олишга ҳаракат қиламиз. Чунки, унинг тўққизинчи даврини яхши билишимиз. Баъзида кўпчилик менга, шифокорлик касбининг энг нозик жиҳати нимада, - дея савол беришди. Жавоби тайин: изланиш, фидойилик, ўзиндан кучли шифокорларни тан олиш, уларни ҳурмат қила билиш, энг яхши тажрибаларни амалиётда дадил қўллаш. Бемор бизга ҳамиша умид билан кўз тикиб турганлигини, бу катта масъулиятлигини асло унутмаслигимиз керак. Шу боис ҳар кун иш бошланганидан бир соат олдин келиб, беморлар билан суҳбатлашишга ҳаракат қиламан. Бу тўғри муолажа қўйишда алоҳида рол ўйнайди. Ниятим фарзандларимиз мустақил ўзбекистон бағрида соғомон камол топишсин.

**Д.ДОНИЁРОВ**

## АҚШ МУРУВВАТ ЁРДАМИ

Тошкент вилояти онкология диспансерида Тошкент шаҳри ва вилояти онкология шифохоналари учун рақ касаллигига қарши дори-дармонлар ва тиббий ускуналардан иборат мурувват ёрдамини топиштириш маросими бўлиб ўтди. Бу Counterpart International (СНАР) дастури томонидан олиб келинган ва қиймати 1 миллион долларга тенг бўлган АҚШ мурувват ёрдамининг бир қисмидир. Маросимда таъкидландики, хорижий ташкилотлар мамлакатимиз аҳолиси турмуш тарзини юксалтириш, эналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, тиббий муассасаларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, шифокорлар ва ҳамширалар малакасини ошириш каби хайрли ишларга ўз ҳиссасини қўшмоқда. АҚШ Давлат департаменти томонидан ажратилаётган тиббий мурувват ёрдамининг умумий қиймати 33,5 миллион доллардан ошди.

СНАР халқаро ташкилоти 1965 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатидан ўз ваколатхоналарига эга. Ўзбекистонда у ўз фаолиятини 1998 йилдан буён амалга оширмоқда. СНАРнинг соғлиқни сақлаш дастури соғлом жамият ва бирламчи тиббий ёрдамни ривожлантиришга қаратилган, бунда оналик ва болаликка асосий урғу берилди. Ўтган даврда у умумий қиймати 65 миллион АҚШ долларидан ортиқ мурувват ёрдамини олиб келди. Бу йил эса СНАР мамлакатимизга 3 миллион долларлик мурувват ёрдамини келтиришга улгурди. Таъкидлаш жоизки, топиштириш маросими ўтказилган Тошкент вилояти онкология диспансерини 1968 йилда ташкил этилган ва ҳар йили 3000 дан ортиқ беморга тиббий ёрдам кўрсатади. Диспансер бешта бинога эга, улардан иккитаси даволаш биноси ва учтаси ёрдамчи бино. Бундан ташқари, диспансер қошида маслаҳат шифохонаси, 220 беморга мўлжалланган стационар, радиология, радиогинекология, жарроҳлик, кимётерапия бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ишлаётган шифокорлар ва ҳамширалар беморларга катта ёрдам кўрсатмоқда.

Кўрсатилган мурувват ёрдами Тошкент шаҳри онкология муассасалари ўртасида Тошкент вилояти онкология диспансерини томонидан тақсимланган ҳамда рақ билан касалланган беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволашда ишлатилади.

**(ЎЗА)**

## Аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий химоялаш кечиктириб бўлмайдиган устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг асосий йўналиши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Шу боис ижтимоий химоялашнинг бозор иқтисодиётига мос келадиган янги тизимни фуқаролар эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлашнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий қафолатларини ўз ичига олиши лозим.

Хокимлик, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда касба уюшмалари Қашқадар вилояти Кенгаши ўртасида 2001-2003 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа келишувига халқ фаровонлигини оширишга қаратилган муҳим бандлар бор. Маъмурият ва касба уюшма ташкилотлари ҳамкорлигида жамоа шартномалари ва келишувларнинг бажарилиши ўрганилганда ишда, жиддий силжишлар бўлганлиги аниқланди. Йилнинг ўтган ойларида «Бандлик» дастурига мувофиқ 10805 та янги иш ўринлари яратилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 23,8 миллиард сўмини ташкил этиб, 113,2 фоизга бажарилди. Барча манбалар ҳисобидан 761,8 минг квадрат метр уй-жой, 44 та мактаб, 217,8 километр сув, 410,3 километр газ қувурлари, бир қанча савдо, умумий овқатланиш тармоқлари, маиший хизмат шохбчаси қуриб фойдаланишга топширилди. Ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимларнинг моддий манфаатдорлиги оқиб бормоқда. Йилни фойда билан яқунлаган 181 та жамоа ширкат хўжаликлари пайчиларга катта миқдорда дивидент тарқатилди. Миришкор туманидаги «Жейнов», Касбдаги Шароф Рашидов, Муборакдаги «Муборак», Нишонда-

## Касаба уюшмалари бозор шароитида

каҳурларнинг турмуш шароити анча яхшиланди. Касаба уюшмалари томонидан санаторий ва профилакторийларда даволаниш учун 2556 донга йўлланма ажратилди. Бошқа манбалар билан қўшиб ҳисоблаганда 2949 киши ўз соғлиқларини тиклади. Санаторийларда дам олганларнинг 257 тасига, профилакторийларда даволанганларнинг 500 тасига бепул йўлланмалар берилди.

Жорий йилда вилоятдаги 23 та оромгоҳда меҳнатқашларнинг 25 минг нафар фарзандлари хордиқ чиқаради. Шу боис вилоят хокимлиги ва касаба уюшмалари Кенгашининг амалий ёрдами билан ёзги соғломлаштириш мавсумини кўнглини ўтказиш чоратadbирлари кўрилди. Шунга қарамадан, меҳнат ахлининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Мисол учун касаба уюшма кўмиталари тасарруфидига корхона ва ташкилотларда иш ҳақидан қарздорлик мавжуд. Корхоналар иш ҳақи фондидан давлат ижтимоий сугурта маблағлари вақтида касаба уюшмалари ҳисобига кўчирилмаган. Ижтимоий сугуртадан қарздорлик кўпайгани туфайли йил давомида санаторий ва профилакторийларда ходимларнинг даволанишлари учун 1083 та йўлланма кам берилди. Бепул тарқатилган йўлланмалар сони 122 тага камайди.

## ПАЙЧИЛАР ДИВИДЕНТ ОЛИШДИ

«Шўртаннефтгаз» унитар шуба корхоналари жамоалари ўн нафардан кам таъминланган оилаларни хомийлик олиб ун, ўсимлик, ёғ, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатдилар. Ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларидан 20 тасининг суннат тўйи ўтказилиб, ҳар бирига халқ банкига 10 минг сўмдан пул қўйилди. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалаш, турмуш фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилди. 16 ёшгача боласи бор, кам даромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Вилоятда истиқомат қилаётган нафа-

Уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлардан 206 таси имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди. Иш ҳақларида қулай шароит яратиш, меҳнатни муҳофазалаш, қонунда белгиланган қаролат ва имтиёзларни яратишга эътибор оширилди. Жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофазат қилиш бўйича мўлжалланган тадбирларнинг бажарилишига 1 миллиард 785 миллион 558 минг сўмлик маблағ сарфланди. Ҳаёт учун хавфли деб топилган 22 та дастгоҳ ва ускуналар, 2 та цех ва бўлимлар фаолияти тўхтатиб қўйилди. Меҳнат қончилигини бузган мансабдор шахслар жарамага тортилди. 12 нафар масъул раҳбар эғаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Иззат ҲИҚМАТОВ,  
«Ишонч» мухбири

## МЕҲНАТ ЯРМАКАСИ

Шайхонтоҳур туманида аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда туманда жойлашган 16 та ташкилот ва ишлаб чиқариш корхоналари 582 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар.

маркага ташриф буюрган ёшлар ўзларини қизқирган саволларга жавоб олдилар. Шу билан бирга ўзларига маъқул бўлган бўш иш ўринларини танлаш имконига ҳам эга бўлдилар.

Ярмаркага 232 нафар ёш иш сўраб мурожаат этди. Улардан 87 нафари иш билан таъминланди ва 14 нафари қайта тайёрлаш учун ўқишга юборилди. Жойларда бўш иш ўринлари ярмаркаларининг ўтказилиши аҳолини ижтимоий муҳофазасига қартилган муҳим омил бўлаётди.

**«Туркистон-пресс»**

## ТАЪМИРЛАШ НИҲОЯСИГА ЕТГАН МАКТАБЛАР

**Денов туман халқ таълими бўлимига қарашли 14-, 16-, 36-, 42-, 46 умумий ўрта таълим мактабларида 2003-2004 ўқув йилларига таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди.**

Мазкур мактаблар Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев раислик қилаётган Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигида жойлашган. Хўжалик эса ўз худудидаги мактабларни оталиққа олган. Ширкат хўжалиги бошқаруви ҳар йилдагидек бу йил ҳам мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш учун ўз вақтида маблағ, ишчи кучи ажратди. Натижада таъмирлаш ишлари сифатли яқунланди. Ширкат хўжалиги ҳар йили мушкулликларини осон қилади, - деди 42-мактаб директори Сайдулло Абдиев «Туркистон-пресс» мухбирига. Баъзи мактабларнинг директорлари каби таъмирлаш ишларига у-бу материаллар излаб оворга бўлмайдим. Бу йил таъмирлаш ишлари учун ширкат хўжалиги мактабимиз учун 1 тонна оҳак, 2 тонна цемент, 126 килограмм бўёқ берди. Ишимизнинг сифатли амалга ошишига ёрдам кўрсатди. Ширкат хўжалиги ўз худудидаги бешта мактабни таъмирдан чиқариш учун қарийб икки миллион сўм маблағ ажратди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертифицилаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига биноан Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлигига («Ўзстандарт») айлантирилган. Унда тизимини янада такомиллаштириш, замонавий халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш шунингдек, халқаро стандартлардан фойдаланиш асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш кўзда тутилган эди.

## ДАВЛАТ СТАНДАРТИ талаблари бузилса...

Айни пайтда ағметликнинг жойлардаги бошқармалари унинг ижроси юзасидан муайян ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Масалан, Наманган синов ва сертифицилаштириш маркази томонидан ҳам биргина шу йил январ ойи мобайнида 402 донга мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди. Қарорда белгиланганидек, халқаро меъёр талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ўзимизда ишлаб чиқарилган турли корхона ва ташкилотлар маҳсулотларини экспорт қилиш мақсадида 23 турдаги маҳ-

сулотларга рўхсат берилди. Бундан ташқари, хорижий ва ҳамдўстлик мамлакатларидан келтирилган маҳсулотларнинг фойдаланишга яроқлилиги, давлат стандарти қўрсаткичларига тўлиқ жавоб бериши аниқлаштириб, 228 та мувофиқлик сертификати тақдим этилди. «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида»-ги Қонунлар талабларидан келиб чиққан ҳолда вилоятда турли соҳаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам назоратдан ўтказиб боришмоқда. Боиси базиси «тежамкор раҳбарлар» белги-



**«Туркистон-пресс»**

## Мухбир нуқтаи назари

ланган меъёрларни бузган ҳолда истеъмолчилар манфаатига пугур етказмоқда. Ўтказилган текширишларга кўра, 5 та ҳолатда ишлаб чиқаришнинг талабларига жавоб бермаган товарлар талабга жавоб бермаганлиги учун мувофиқлик сертификати бериш тўхтатилади.

Масъулки, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида катта эътибор ва санитария нормаларига қатъий амал қилишни тақозо этади. Шу боис марказ ходимлари «Ўздонмаҳсулот», «Ўзбекбиллашув», «Ўзбексавдо», «Гўштсунсоат» давлат акционерлик компанияларига қарашли вилоят корхоналарида тез-тез бўлишиб, маҳсулотларни доимий назорат қилиб турадилар. Яқинда «Чодакконичишчи таъминот» масъулияти чекланган жамиятида назорат текшируви ўтказилганда, 342 донга «Ўзбекистон» на-

**Давур ЖОЗИЛОВ,**  
**«Ишонч» мухбири**

# ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ

**Барча ижтимоий масалаларнинг илдизи одамларнинг иш билан таъминланганлик даражасига боғлиқдир. Чунки, меҳнат жараёни билан машғул кишининг беҳуда хатти-ҳаракатларга, гап-сўзларга вақти бўлмайди. Шу тўғрисида Иштихон туман ҳокимлиги, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат бўлими тегишли мутасадди ташкилотлар билан янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Туманда истиқомат қилаётган меҳнат яроқли аҳолининг асосий қисми корхона ва ташкилотларда, тадбиркорлик тизимларида фаолият юритмоқда. Улар ўз турмушларини яхшилабгина қолмай, у ёки бу тарзда давлатга ҳам манфаат етказмоқда.**

## ИШ ЎРИНЛАРИНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ кичик ва ўрта бизнес ҳисобидан

Туман меҳнат, бандлик бўлими ходимлари бўш иш ўринлари ва ишсизлар сони мутаносиблигини, меҳнат бозорларидаги вазиятни мунтазам равишда кузатиб, таҳлил қилиб боришмоқда. Масалан, 2003 йилнинг бошида ишчи кучини тақлиф этиш ҳоллари 2350 та бўлиб, корхоналарнинг унга талаби 194 та эди. Утган беш ойда фуқароларни ишга жойлаштириш, жамоат ишларига жалб қилиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига бу борада бир қатор муваффақиятларга эришилди. Ҳозир иш излаётганлар 1956 нафарни, бўш иш ўринлари эса 1677 тани ташкил этаётди. Фуқароларни қайта ўқитиш ва тайёрлаш

ниҳоясига етгач, яна бир неча кишини иш билан таъминлаш мўлжалланмоқда. Айтиш мумкин, кичик ва ўрта бизнес юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Янги очилаётган иш ўринларининг асосий қисми ҳам айнан шу тармоққа тўғри келади. Илк фаолият бошлаётган кичик корхоналарга, тадбиркорларга ходимларни ишга олишни туман меҳнат бўлими орқали амалга ошириш тавсия этилган. Бундан ташқари маҳаллалар фаолиятини ривожлантириш ҳисобига йил давомида 1800 та янги иш ўрни очилиши мўлжалланмоқда. Ҳозиргача шу йўл билан 852 нафар киши доимий ишга жойлаштирилди. Шунингдек, туманда курилиш қилмақчилигининг

**Ибрат**  
ишга туширилиши, тиббиёт коллежининг реконструкция қилиниши исҳобига муаммосини ҳал этишда янги имкониятлар очди. Прокуратура идоралари иштирокида ўтказилган «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» тадбирларида 117 фуқаро иш топди. Уларнинг 31 нафари ёшлардир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлашда давлат жамғармасининг аҳамияти катта. Нимага деганда, барча тадбирлар айнан шу жамғарма орқали молиялаштирилади. Аммо айрим хўжалик юритувчи субъектлар белгиланган бадаллар тўловини кечиктираётгани муаммоли вазиятларни вужудга келтирмоқда. Шу боис яқинда туман ҳокимлигида ушбу масала муҳокама қилиниб, тегишли чоралар белгиланди.

**Б. САНАЕВ,**  
Иштихон туман аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат бўлими бошлиғи

## УМР БЎЙИ ҚАРЗДОРМИЗ

Устоз отадек улуг, деб бежизга айтишмаган. Чунки унинг меҳнати замирида инсон тақдири, келажаги мужассам. Эндигина барг ёзаётган куртак ўзига зарур озукага эга бўлгандагина у барқ уриб ўсиши мумкин. Худди шу каби мактаб остонасига илк бора қадам қўйган болажон учун ҳам ўқитувчи меҳри, сабоғи, дўстона ўғитлари сув билан ҳаводек зарурдир.

Қанийди, устозларимизнинг ўғити, уларнинг беминнат маслаҳатларидан баҳраманд бўлишга фурсат ганимат экан-

лигини ўқувчилик давридаёқ тушуниб етолсак. Баъзан шулар ҳақида ўйлаганимда, ўқитувчиларимизнинг доно ўғитлари кулгоғим остида жаранглайди. Кўнглим тубидаги барча орзу умидларимга эришишимда менга куч-қувват эканлигини ҳис этаман. Шу боисдан бўлса керак, ўзим ўқиган Қорақўл шаҳридаги 1-сон мактаб-интернат жамоаси, у ерда ўтган ҳаётимни соғиниш ҳисси ҳалигача мени тарқ этмаётганлигидан хурсанд бўлиб кетаман. Ана шундай лицейда билим олганимдан беҳад мамнунлигимни, устозларимга миннатдорчилик билдириш йўллари ахтараман. Ва, ниҳоят, бугун мен тах-

## Миннатдорчилик

ририят орқали шу қутлуг даргоҳнинг инсонларига, ота-онамдай меҳрибон ва жонкуяр бўлган меҳридарё ўқитувчиларимга миннатдорчилик билдириш имконига эга бўлдим. Сиздай азизларнинг фидокорона меҳнатингиз сабаб, «XXI асрнинг илк талабаси» номига мушарраф бўлганимдан бахтиёрман. Уйлайманки, жўшқин ҳаёт сари учирма бўлаётган ёшлардан ҳеч бири сизнинг машаққатли меҳнатингизни унутмайди.

**Хусан ТАНГРИЕВ,**  
талаба

## Танқиддан сўнг...

### «ИШОНЧ» МУШКУЛИМИЗНИ ОСОН ЭТДИ

Авваламбор, тахририятга адолат излаб ёзган хатимизни беэтибор қолдирмаганлигини ўзини сезиларли раҳмат. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейишди. Сизларнинг сая-ҳаракатингиз билан эълон қилинган «Талон-тарожнинг ҳомийси ким?» сарлавҳали мақола бир қанча ечимни топилмаётган муаммоларни ҳал этди. Хусусан бизнинг Тайлоқ туманидаги «Элипоқ» ширкат хўжалиги тасарруфидagi халқ мулки бўлган ерларни ўз манфаати йўлида талон-тарож қилаётган баъзи раҳбарларнинг кирдиқорларини фош этилиб, муаммони одилона ечилишида бизга яқиндан ёрдам берди.

**Б. ОЧИЛОВ,**  
**М. ҚУВВАТОВ,**  
**К. ЙЎЛДОШЕВ,**  
Тайлоқ тумани

## БАНҚДА «КИТОБХОН БЕНЕФИСИ»

Китоб - зиё манбаи. У бетакрор маънавий хазинамизга айланган. Шу боис кўплаб корхона, ташкилот ва муассасаларда бу соҳага эътибор кучли.

Масалан, «Хамкор-банк»нинг Андижон вилояти бошқармаси кутубхонасига кирган ҳар бир китобхон ҳайратда қолади. Чунки бу ерда мавжуд китобларнинг ҳар бири тартиб билан,

алифбо асосида тахланган. Улар орасидан ўзингиз хоҳлаган китобни топиб, ўқиниш мумкин. Бундан ташқари, китобхон ўнлаб матбуот нашрларини ўқиб, мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари, қолаверса, дунёда соқдир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бохабар бўлиши мумкин. Шунинг учун бўлса керак, бу зиё масканидан китобхонлар аримайди.


Кутубхона маъмурияти яқинда яна бир хайрли ишни амалга оширишни мўлжалламоқда. Яъни, маълум вақт ичида энг кўп китоб ўқиган китобхон билан банк ходимлари ўртасида «Китобхон бенефиси» бўлиб ўтади. Бу албатта, китобхонлар сафининг кенгайишига ёрдам беради.

**Омонулла АБДУСАЛЛОВ,**  
етакчи мутахассис

## Фахр

Кутубхона маъмурияти яқинда яна бир хайрли ишни амалга оширишни мўлжалламоқда. Яъни, маълум вақт ичида энг кўп китоб ўқиган китобхон билан банк ходимлари ўртасида «Китобхон бенефиси» бўлиб ўтади. Бу албатта, китобхонлар сафининг кенгайишига ёрдам беради.

**Омонулла АБДУСАЛЛОВ,**  
етакчи мутахассис



## Тақлиф

Яқинда туман ижтимоий таъминот бўлимининг «Товоқсой» санаторийсига йўланма олдим. Сихатгоҳда даволанувчилар учун барча қўлайликлар яратилганини, айниқса, «Товоқсой» станциясидан то сихатгоҳгача махсус транспорт йўналиши жорий этилганлигини кўриб беҳад хурсанд бўлдим. Карангки, у ерининг ҳар-хавоси ҳам, гўзал табияти ҳам Кавказда жойлашган сихатгоҳлардан қолишмас экан.

Бу шифо масканидаги самимий муносабат ва эътибор

## «ТОВОҚСОЙ»

### ЖАННАТ ЖОЙ

мен каби қарияларнинг кўнглини кўтарди. Ахир, ширин сўз - жон озиғи, деб бежизга айтишмаган-ку. Хусусан, ҳамшира Гулнора Жалдаева, Муқаррам Тоғанова, Валентина Дўстматоваларнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир. Ошпазларнинг меҳр билан тайёрлаган мазада таомлари кишини иштаҳасини очиб юборади. Турли-туман қизқарли кечалар, концертлар ва экскурсиялар даволанувчилар учун кўнглини бағишлайди. Кези келганда, бир тақлифни айтиб ўтганини жоиз, деб топдим. Сихатгоҳдаги алоқа тизимининг йўқлиги, иссиқ сув таъминотидаги узиллишлар бизга бир мунча қўлайсизликлар туғдирди. Ушбу камчиликлар тузатиلسа, «Товоқсой»да хизмат кўрсатиш даражаси ҳорикдаги сихатгоҳлардан қолишмаслигига шубҳам йўқ.

**Абдиҳамид ЯНГИЕВ,**  
Олот туман ноғиронлар жамияти раиси,  
уруш ва меҳнат фахрийси

## ҲОСИЛ ҲАҚИ ҚАЧОН БЕРИЛАДИ?

Тақдир экан, турмуш тақозоси билан бахтсиз ҳодисага учраб ногирон бўлиб қолдим. Аммо умидсизликка тушмадим. Бир қўл билан бўлса-да, уй-рўзгор юмушларига, дала-деҳончилик ишларига баҳоли-қудрат кўмаклашиб келаяпман.

Оиламиз ихтиёрида 3 гектар пахта майдони бор. Ҳар йили бола-чакам билан тиним билмай, иссиқни иссиқ, совуқни совуқ, демай меҳнат қиламиз. Табиий қийинчиликларга қарамадан пахта тайёрлаш режасини ҳам ошириб баҳараяпмиз. 2002 йилда 10 тонна нағинага 11 тоннадан ортиқ сифатли хомшў етказиб беришининг уддасидан чиқдик. Устига-устак ҳар баҳорда пилла ҳам тутамиз. 2003 йилда бир қўти ипак кур-

ти ҳисобидан 90 килограмдан ошириб пилла топширишга эришдик.

Бир қарашда ишларимиз силлиқ кўчаётгандек. Аслида, пудратчиларга ширкат хўжалигимиз мутасаддиларга ҳали у, ҳали бу баҳоналарни рўқча қилиб, иш ҳақи, қўшимча тўловларни тўлашни унутиб қўймоқдалар.

Масалан, йилнинг ўтган 5 ойда ҳаммаси бўлиб бир марта 700-800 сўмдан (ҳар бир пудратчи ҳисобига) пул беришди, азаматлар. Пилла баҳонасида 25 килограмдан ун, 4 килограмдан пахта ёғи олдик, ҳолос. Бу дарёдан томчи мисол.

Бу орада бошқарув раиси ҳам ўзгарди. Касабақўм раисига ҳам арзимизини айтавериб чарчадик. Шу боис, қўлга қалам олиб, «Ишонч»га

## Масала кўнданг кўйилади

мурожаат этишга мажбур бўлдик. Яна бир гап. Бултурги ҳосил ҳисобидан 128 килограм пахта ёғи, 584 килограм шрот, 470 килограмм шелуха олишимиз керак. Лекин унинг бир килограммини ҳам беришмади. Айтаверсак гап кўп. Бизку ўз мажбуриятларимизни уддалаб келаяпмиз. Лекин 2-томончи? Меҳнатқашнинг пешона тери эвазига етиштирилган ҳосил учун тўланадиган ҳақ қачонгача пайсалга солинади?

**Юсуф ХАЛИМОВ,**  
Жондор туманидаги «Варақшо» ширкат хўжалигининг 3-бригада, «Хушқон» қишлоғида истиқомат қилувчи III-гурух ногирони

## АРЧАЗОРЛАР ЎТИН БЎЛМАСИН

Зомин баҳаво, ўзига хос ажойиб табияти билан ажралиб туради. Унинг пурвиқор тоғларидаги кўм-кўк арчазорлари, ёзининг чилласида киши руҳини, жисмини тетиклаштирувчи шифобахш булоқлари қадим-қадимдан сайёҳ муҳомналарни ўзига жалб этиб келган.

Бирок, минг афсуски, сунгги ўн йилликлар давомида табиатнинг бундай ўқибатида бу гўзалликка «кўз тегди». Қарияларимизнинг гувоҳлик беришича, Чор Россияси истилоси даврида «Туркистон - Сибир» темир йўли ишга тушгач, паравозларнинг ҳайбатли ўтқонасига жуда катта миқдорда ўтин зарур бўлади. Бунинг учун чор амалдорлари томонидан Зомин ва Бахмал тоғларидаги арчазорларни кесилгач буйруқ берилди. Хайриятки, маҳаллий халқ қар-

шилиги сабабли миллионлаб арчалар омон қолади. Бирок, 1940 йилларда Зомин худудида «Узтоптор» деган ташкилотнинг барпо этилиши билан минглаб арчалар ўтин қилиб юборилди.

Табиийки, тоғдаги арчалар аёвсиз, шавқатсизларча кесиб кетилгач, булоқлар ўз-ўзидан қуриб бошлади. Агар яқин тарихга назар солингудек бўлса, Зомин худудида 8 та дарё тинмай жиллованиб оқиб турганига гувоҳ бўлиш мумкин. Лекин, бугунги кунда улар ўрнида биргина Зомин дарёсигина қолганлиги ачинарли, албатта.

Ҳўш, она табиат инъомини ҳеч бўлмаганида бугунги ҳолида асраб қолиш мумкинми? Бунинг учун нима қилмоқ керак?

Назаримда, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида экологик маърифатни кенг

## Куюнчак дил изҳори

ёйишимиз, она табиятга меҳр-муҳаббат уйғотишимиз керак. Ва шу йўсинда табиатни асраб-авайлашни амалда урганшимиз мумкин. Табиатни муҳофаза қилиш идоралари мутасаддилари одамлар орасида кўпроқ бўлиши, тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим. Шу билан бирга тоғ ёнбағирларида ёнғоқ, pista, бодом ва тоққа чидамли дарахт кўчталарини экиш керак. Бу биздан кўп нарсани талаб этмайди. Она табиятга меҳр ҳамда ҳамжихатлилик бўлса, бас.

Шундагина тоғлар бағрида арчазорлар кўпайиб, булоқлар яна кўз очди, ерлар сувга тўйиб, одамлар ризқ-рўзига барака қиради.

**Тошмурод АЙБАШЕВ,**  
Зомин тумани, олий тоғфали ўқитувчи



**Газетамизнинг шу йил 13 июн сонида «Оқар сувни булғаш гуноҳи азим» сарлавҳали мақола эълон қилинган. Унда Шайхонтохур туманидаги Сойиб Хўжаев номли кўча этагидан оқиб ўтадиган «Кайковуз» канали соҳили айрим фуқаролар томонидан ахлатхонага айланган эди. Усмон Юсупов кўчасидаги Лабзак, Қохота, Тахтапұл маҳаллалари туташган ҳудуддаги анҳор соҳилидаги ахвол бундан-да аянчлироқ. Собир Раҳимов туманидан оқиб ўтадиган Чигатой каналидан Чарманор кўчасида истиқомат қилувчилар «беминнат каналлаштириш» сифатида фойдаланиш мумкин. (Суратларда айнан шу ширинилган).**  
**И. ХАСАНОВ олган суратлар**

## ТАХРИРИЯТДАН:

Тахририятимизга республикамизнинг турли бурчаларидан кунига кўплаб мактублар келади. Ҳар бир тахрир ортида инсон тақдири турганини чуқур ҳис этган ҳолда, тезроқ ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз.

Аммо, газетамизда эълон қилинаётган танқидий мақолалар хусусида ёки тахририят мутасадди ташкилотларга ўрганиш учун юборган мактубларга лозим даражада эътибор бермаётган ёки номини ҳимоя қилишга жавоб бўлмаётганлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани, Ломоносов кўчаси 46-уйда яшовчи Э.Нуримбетовдан келган мактубда қўшничи томонидан зўравонлик билан олиб кўрилган ер участкасини қайтариб олишда ёрдам сўраганиди. Тахририят ушбу мактубни одилона ҳал этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига мурожаат қилди. Шундан сўнг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сано-

ат, қурилиш, транспорт, энергетика, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари кўмитаси раиси М.Шанжиев имзоси билан олинган жавоб хатида, ариза эгасининг ер участкасини мутасадди раҳбарлар ва БТИ ходими томонидан ўлчангани ва унга тегишли майдонни қўшнисидан 15 кун ичида олиб беришни Амударё тумани ҳокимлиги ўз зиммасига олгани баён этилган.

Таважжуки, яқинда яна худди шу масала юзасидан Э.Нуримбетовдан иккинчи бор мактуб олдик. Унда, ҳақиқатдан ҳам мутасаддилар бу муаммони 15 кун ичида ҳал этиш тўғрисида баённома тузганиларини маълум қилади. Аммо баённомада кўрсатилган вақт ўтиб бўлган бўлса-да, ҳамон масала ўз ечимини топмай, сарсонгарчилик давом этаётганлиги ҳақида ёзади. Табиий савол туғилади. Наҳотки, республика газетасига юборилган жавоб хатидagi гаплар қоғозда қилиб қолдирилганми?

**Хатлар ва оммавий ишлар бўлими**

## Хат босилмади, аммо даввогарга

### 777 500 СЎМ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

«...Доимий жанжаллар оқибатида бирга яшашнинг иложи бўлмагач, мен Саросиё туман фуқаролик судига ариза беришга мажбур бўлдим ва 2002 йил 25 февралда никоҳни бекор қилиш ҳақида қарор чиқдик...»

«...Мен уйимдан, ҳам фарзандларимдан, мол-мулкимдан ажралдим. Со-биқ турмуш ўртоғим ва унинг отаси ҳамма мол-мулкни ўзлаштириб олишди...»

Ушбу мазмундаги мактуб юзасидан Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг раиси А.Ботиров имзоси билан жавоб хати олинди:

«Ишонч» газетасига фуқаро Раъно Жабборованинг ёзган шикоят-аризаси бўйича қўйидагиларни маълум қиламиз:

Маъмур фуқаролик иши суд мажлисида қўрилиб, даввогар Р.Жабборова даввоси қаноатлантирилди. Унинг фойдасига собиқ турмуш ўртоғидан унинг тенг нархи, яъни 777500 сўм ундириб берилди.»

# ИЖОДКОР МУАЛЛИМЛАР

**Маърифат-эзгулик йўлини ёритувчи нур. Устоз-муаллимлар ана шу ёғдудан куч олиб, ёш авлодни нурли йўлга бошлайдилар. Изланувчан, ижодкор муаллимлар кўлида сабоқ олган ёшлар эса Ватанини, мустақилликни, аждоқлар меросини калбдан идрок этадилар. Улар бошқалардан кўра эркин фикрлайдилар. Хат ҳақида чуқур мулоҳаза юритиб, қийинчиликларга қарши мардона курашдилар.**

Тоғай Мурод, Шукур Холмиров, Усмон Азимов, Эркин Аъзамов, Мирза Кенжабек, Сирожиддин Саид каби шоир ва ёзувчиларимизни бугун мамлакатимизда яхши билишди. Ай-тиш жоизки, воҳамизда ўтган «Ижодкор ўқитувчилар» тадбири таассуротларга бойлиги билан бошқа анжуманлардан тубдан фарқ қилади.



Сурхондарёда уч кун давом этган «Ижодкор ўқитувчилар»нинг анъанавий республика анжуманида ҳам бу ҳақиқат қайта-қайта тилга олинди, соҳа мутасаддилари томонидан эътироф этилди.

Анжуманинг алломалар юртида ўтишининг рамзий маъноси бор, - дейди Термиз шаҳар халқ таълими бўлими муdiri Амиркул Турсунов, - Чунки Сурхондарё нафақат тарихи, маданияти, балки буюк ижодкорлари билан ҳам инсониятни ҳамisha хайратга солиб келган. «Шоҳнома»нинг дастлабки қисмини ёзган Дақийқий, илму урфони ила дунёга маълуму машхур Ҳаким ат Термизий, адиб номига мушарраф бўлган Собир Термизийлардан фахрланмай бўладими! Мингизё Сафаров,

Республикаимизнинг турли бурҷакларидан келган ижодкор муаллимлар дастлабки куни Термизда катта ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олинди. Улар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Ҳаким ат-Термизий мақбараси, Археология музейи, «Ал-помий» ёдгорлик мажмуаси меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Эртаси куни ижодкорлар Узун туманидаги сўлим тоғлар бағрида жойлашган «Ижодкорлар» оромгоҳида шўьбаларга бўлиниб, машғулотларни давом эттирдилар.

Сурхон воҳасида ўтган тадбир педагогик фаолиятимизда ҳам, ижодимизда ҳам янги кирраларни очди. Кўплаб дўстлар орттирдим. Бундан ташқари Термиздек халқимиз тарихида муҳим ўрин тутувчи қадим шаҳар билан танишдим, воҳа аҳлининг бағрикенглиги ва меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлдим, - дейди Юнусов туманидаги мактаб ўқитувчиси Ҳукут Мўминова.

Ижодкор ўқитувчиларни элга танитишда бу анжуманининг хизмати беқеъсдир, - дейди бойсунлик она тили ва адабиёт ўқитувчиси Зумрад Абдуллаева. - Анжуман баҳона ижодим яна бир қарра эл назаридан ўтди. Нуфузли ҳайбат аъзолари томонидан эътироф этилди. Бу оддий кишлоқ ўқитувчиси учун катта шараф ва масъулиятдир.

Анжуман кунлари мамлакатимизнинг жанубий чегарасида туриб тинчликнинг нақадар катта бойлик эканлигига гувоҳ бўлдим. Негаки, кўз ўнгимизда шундоққина уруш ва вайронагарчиликлардан ачинарли ҳолга келиб қолган афғон кишлоқлари кўришиб турди. Икки хил ҳаёт тарзи, икки хил манзара мустақиллик ҳақидаги фикрларимизни бойитди. Аслида катта шодибна билан ўтаётган ҳар бир анжуман тинчлик шарофати, мустақиллик меъвасидир.

Анжуманда фаол иштирок этган ижодкор ўқитувчилар Республика халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Гулнора ЭРҲАШЕВА, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси услубчиси**

## Шахсий фикр

**Дунёда «соф тил» деган тушунчанинг ўзи йўқ. У ёки бу тил бошқа тиллардан истеъмолга кириб келган сўзлар билан бойийди, равақ топади. Хатто 80-90 ёшдаги отахонлар ҳам бугун газета, стандарт, конституция ва бошқа қатор сўзларни ҳеч иккиланмасдан ўз жойида, маъносини тушуниб ишлатишади.**

Хайрон бўлиб қолдим ва улар нимани сўрашаётгани миға кейинроқ етиб борди, яъни улар мендан автомобил ҳужжатларини сўрашаётган экан. Ахир улов автомобил эмаслиги ёш болага ҳам тушунарли-ку.

# ТИЛГА ЭЪТИБОР...

Одатда ҳеч қаерда ёзилмаган, лекин ҳамма биладиган қонун-қоидага мувофиқ сўз қайси тилда биринчи бўлиб ишлатилса, у бошқа тилларга таржимасиз кириб боради. Масалан, ўзбек тилидаги «қураш» сўзини олайлик. Бугунги кунга келиб бу сўз жаҳоннинг барча тилларида таржимасиз жаранглайди. Шундай қонун-қоида борлигига қарамасдан, кейинги пайтда ўйлаб топилган ёки архаик сўзлар жуда кўпайиб кетмоқда. Энг ачинарлиси шундаки, у сўзларни жуда кўпчилик тушунмайди, ҳазм қилмайди.

Куйидаги сўзлар бирон-бир асбоб-ускунанинг бажарадиган ишига қараб ишлатилмоқда. Масалан: совутиқ-холодильник; телевизор-ойна; жаҳон ва бошқалар. Холодильникни совутиқ десак, вентиляторни, кондиционерни нима деб айтмиз, улар ҳам совутиқ-ку.

Халққа энг қулай ва тушунарли бўлган сўзлар бошқа тушуниб бўлмайдиган (ўзбек тилига алоқаси бўлмаган) сўзлар билан ҳеч қандай асосиз алмаштирилмоқда. Лекин кейинги пайтда диктор сўзи суҳандон сўзига айланган, студент-талаба, консалтация-маслаҳат бўлиб қолди. Ақл бовар қилмайди, дейилса нимами ёмон? Бовар, бу фикрга ишонмаслик дегани-ку.

Аммо биз ҳозир газеталарда жаҳон андозаларига мос деган сўзларни жуда кўп ўқиймиз. Ваҳоланки, стандарт сўзини қатъий ва ўзгармас белгиланган параметрлардан ташқил топган жисми ёки қурилиши, қандай ўрнида ишлатилиши мумкин. Андоза эса доим ўзгаришчан бўлади. Одамларнинг ҳаммаси бир хил размерда ва кўринишда қўйлак киймаслигини яхши биламиз-ку, ахир.

Кейинги йилларда лексиконимизга қўшилган лингвистика, компания, кредит, валюта, компьютер, инвестиция, инфляция ва бошқа сўзлар ўзбекчага айланганларга ҳам ҳамма тушунапти. Толмаганимизга шукр. Фикримча, авваламбор бунинг ҳеч иложи йўқ ва қолаверса, шарт ҳам эмас. Ҳар қандай тил бошқа тилдан кириб келган сўзлар билан узулсуз равишда бойиб боради. Шу сўзларнинг ҳақиқатлигига ишонсанг, ҳозирги замон, жаҳоннинг энг қиройили ва бой тилларидан бири бўлган ўзбек тилимизни даққонусдан қолган сўзлар билан эмас, Президентимиз алоҳида уқтирганларидек, халқимиз моддий ва маънавий савиясини оширадиган, Республикаимизнинг ҳар бир фекароси Испания, Америка, Россия бошқа мамлакатлар фуқаролари билан илмий-техникавий ва иجتимойи-маданий мавзуларда тенг гаплаша оладиган, керак бўлганда, улардан ўрганишда, керак бўлса, уларга ўргатишда қўлланадиган сўзлар билан бойитилган.

**Ҳамид ШОДИЕВ, Иқтисод фанлари доктори, профессор**

## Турмуш чорраҳаларида

**Иқромжон билан Исмоилжон ота-онаси тирик бўла туриб, меҳрга зор қолишди. Отаси ичкиликка муккасидан кетган, онаси бозорма-бозор изгиб, ҳафталаб қорасини кўрсатмасди.**

ди ота-оналарининг бағрида юргандек эркин, беғам, беташвиш. Болаларни са-волга тутиб, «яраларини»

# МЕҲР-ОҚИБАТЛИЛАР БОР ЭКАН... ҳеч кимса ёлғиз қолмагай

Болалар эса маҳалла-дошларнинг «қўшни товоғи» билан кун кўришар, кўпинча қулфлоглик уйда ёлғиз қолиб кетишарди. Кунларнинг бирида кичкинтойлар ўт ёқиб исинишмоқчи бўлишди. Ўт-тилсиз ёв эмасми, учкунни пологга туташиб, уйни тутун қоплади. Яхшиямки кўчадан ўтаётганлар қий-чувини эшитиб, эшикни бузиб киришди. Фалокатнинг олди олинди.

Маҳалланинг катта-кичиги орага тушиб, саёқ ота-онага дашмон берадилар. Шундан кейин ҳам Раҳиматилла мардикорлик баҳонаси билан уйдан қўчиб кетди. Ақидахон эса дўгоналари билан «пул толгани» сафарга жўнайдди.

Кўзларига яширинган ададиз мунгни кўрди, юрак-бағри эзлиб кетди. Улар икковлашиб Санобархон юборган ошини тановул қилдилар.

Иқромжон бу хонадонда уч кун турди. Санобархон бола-ни меҳр билан парвариши қилди. Янги қўйлак тикиб берди. Соқларини қайчилади, хуллас, оқ ювиб, оқ тарди. Равшанжон ҳам оила-дагилар билан чиқишиб кетди. Уч кун ана-мана демай ўтди, у яна оромгоҳга қайтиши зарур эди. Санобархон боланинг пешонасидан ўпиб, хайрлашаркан, Иқромжон унинг кўксига бошини қўйиб бир, муддат туриб қолди. Аёлдан онасининг хиди кел-лаётганиди.

Янгилашни истамадим. Чунки бола кўнгли-гуддан но-зик. Айни кунда Иқромжон Равшан ака хонадониди, уқаси Исмоилжон эса бир эшик наридаги ўғли Хурсандбекнинг оиласида тур-раркан.

Иқиссининг ҳам одо-би, ўқишлари кўнглидаги-дек. Аллақачон болаларни-миз қатори бўлиб кетиш-ган, - дейди Равшанжон манмун. - Оёқ-қўллари ҳам енгил, Иқромжон тўнғич ўғлим Анваржонга қўрада-ғи мол-қўйларини парва-ришладда қарашади. Ис-роилжон ҳам оиланинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган. Кичкиналарни болалар бо-ғчасига олиб бориш, келти-риш унинг зиммасида... Еяр-ичардан, кийим-бош-дан камлари йўқ.

Қариндошлар ўзаро мас-лаҳатлашиб, Исмоилжонни холаси ўз тарбиясига ола-диган, Иқромжон эса маҳал-ла аралашуви билан бола-лар оромгоҳига жойлашти-риладиган бўлди...

... Табиатан юмшоқ кўнгли Равшанжон бу воқе-ани эшитган тинчи бўзилди. Хотини Санобархонга мас-лаҳат солди.

Уларнинг фикри бир жой-дан чикди: болаларни ўз қарамомизга оламиз. Шу ният билан Равшанжон хо-тини берган тугунни олиб, оромгоҳга равона бўлди. Оромгоҳ бошлиғи бир че-када мунгайиб ўтирган Иқ-ромжонни имлаб кўрсатди. Равшанжон болага дилида-гини айтди.

... Холаникида укам Ис-роилжон бор. Униям ўғил қилиб олсангиз, бир жойда бўлардик, - дейди Иқром-жон шикаста овозда.

... Болам, уқангизиям, сизниям ташлаб қўймаймиз. Олдин бизниқига бориб кўринг.

«Болам!» деган сўзга ташна бўлиб турган. Иқром-жон унинг юзига бир лаҳза-га нигоҳ ташлади. Шунда-гина Равшанжон боланинг

қанча вақтгача болани соғи-ниб яшайди. Охири улар қатъ-ий қарорга келишди. Болалар-ни ўзимизга қонуний ўғил қилиб оламиз. Шу ниятда Рав-шанжон хотини, ўғли Хурсан-джонни олиб болалар ором-гоҳига йўл олди. Бўз шаҳри-даги қариндошиникида тарби-яланаётган Исмоилжонни ҳам йўл-йўлакай қўриб ўтишди. Уни ўғилликка олиш нияти борлигини айтганида холаси болаларни бир жойда бўли-шини ўйлаб қувонди.

Уша кунни оромгоҳ бош-лиғи болани олиб кетишля-рига рози бўлмади. Аммо орадан кўп ўтмай Бўз туман ҳокимлиги, васийлик кенга-шиларнинг рухсати билангина болаларнинг фарзандликка олишди.

... Ака-уқанинг дийдорла-шуви барчаннинг бағрини ўртаб юборди. Исмоилжон акасининг елкасига бошини қўйиб пикиллаганича йнлар, Иқромжон эса уқасининг бо-шини силаб, «бўлди энди, уят бўлади», деб овуғтар, аммо ўзи ҳам кўзидан қуолиб ке-лаётган соғинч ёшларини ти-ёлмасди...

Равшанжоннинг бу мунгли ҳикоясини эшитаялман-у, кўзим болаларда. Улар худ-

## Ҳазал бўстонида

### КИШИ ЙЎҚДИР ХАТОСИ ЙЎҚ

**Кишилик маъносин билган кишининг ҳеч баҳоси йўқ, Кишилик маъносин билмас кишининг ҳеч саҳоси йўқ.**

**Биров тузгай, биров бузгай бу олам саҳнини, афсус, Лек оламнинг кишидан ўзгача бир дилрабоси йўқ.**

**Рафиқи бехато истаб жаҳонни бирма-бир кезса**

**Топилгайму азиз дўстлар, киши йўқдир хатоси йўқ.**

**Жаҳолатга садоқат қул, тириклик шундайин савдо,**

**Амал, обрў тиларлар лек матонатнинг гадоси йўқ.**

**Кўнглининг майлидан ортиқ муҳаббат бўлмоғи душвор,**

**Чун инсон кўнглидан ўзга сунявгача даҳоси йўқ.**

**Қулоқ тутгил насихатга Сулаймон сўзда огоҳ бўл,**

**Битурсан ҳам битилмас лек муаммонинг адоси йўқ.**

**Сулаймон ҲАЙДАР**

Ишбилармон ва тад-биркорлар ёрдам тари-қасида қатор насллар босмага ҳозирланди. «Ўзбекистоннинг олтин саҳифалари» деб ном-ланган китобча эса биз-несменларга маълумот-нома кўринишида чоп этилади.

## БИЗНЕСМЕНЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

«Golden Pages» жами-яти томонидан босмага тайёрланган мазкур қўлланмада бизнесмен-лар ўртасида ҳамкорлик-ни йўлга қўйиш, мусоба-қалаш тартиб-қоидала-рига оид маълумот-ларга кенг ўрин берила-ди.

Ушбу маълумотнома «Олтин саҳифалар» ва «Зангори саҳифалар» де-ган икки қисмлардан таш-қил топди. Биринчи-си Ўзбекистондаги, ик-кинчиси эса Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари-даги бизнесменлар фа-олиятига доир маълумот-лардан иборатдир.

# ЁШЛАРГА БАЙРАМ СОВФАСИ



Вилоят ва туман ҳокимликлари ташаббу-си билан Шаҳрисабз шаҳридаги «Хисор» ўйингоҳида таъмирлаш ҳамда янги спорт маж-муи қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Янги лойиҳа асосида бу ерда сузиш бассейни, теннис корти, футбол, волейбол ва баскетбол майдонча-лари барпо этилади. Шунингдек, ўйингоҳда спортчилар ва томоша-бинлар учун ҳам қатор қулайликлар яратилади. Жумладан, ўриндиклар

Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари бўйича йирик тил-шунос олим Шона-зар Шоабдурахмонов кўплаб йирик монография ва ил-мий китобларнинг муаллифи сифатида яхши танилган. Тол-мас тадқиқотчи рес-публикамиз тилшу-нос олимлари ичи-дан биринчи бўлиб Ўзбекистон фанлар академиясига ака-демик қилиб сай-ланган.

## ЯНА БИР ЯНГИ ЛУФАТ

Профессор Ш.Шо-абдурахмонов ўзбек луғатшунослигини ривожлантиришга ҳам ўзининг салмоқ-ли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Тил ва адабиёт институти томонидан беш йил-дик «Русча-ўзбекча луғат»нинг юзага ке-лишида ҳам унинг хизмати катта бўлди.

Ўзбек адабий тили фонетикаси, морфо-логияси ва лексика-си бўйича олиб бо-раётган изланишля-ри самараси ўлароқ яна бир янги луғат юзага келди. «Ўзбек тилининг этимологик луғати» деб номлан-ган бу тадқиқотга оид мақолалар «Ўзбек тили ва ада-биёти» журналинда чоп этилди.

**Акбар АЛИЕВ**

## ЮҚОРИ ҲАРОРАТДА ЭРИЙДИГАН МАЪДАН

Соф вольфрам 3410 даража ҳароратда эри-ди ва 6690 даражада қайнаб бошлайди.

Илк бор вольфрамни Швед кимёгари К.Шееле бундан 220 йил муқад-дам толган. Уқ ўтмас зирхли ҳарбий техника яратишда вольфрамнинг тутган ўрни катта. Ундан халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида фойдалани-лади.

Кумуш вольфрамли қотишмалар электр кон-

тактлари учун ишлатилади. Мис ва вольфрам қотиш-маси эса пайванд электр-родларига асослади. Лам-панинг юқори даражада нур сочишини таъминлай-ди.

Ўзбекистонда вольфрам конларини татбиқ этишни академик Ҳабиб Абдулла-ев бошлаб берган эди. У 1939 йили Лангар вольф-рам кони мавзусида ном-зодлик илмий даражасини олиш учун диссертация химоя қилган эди. Олим-нинг бу борада махсус асари ҳам бор.

Ўзбекистонда вольфрам конларини татбиқ этишни академик Ҳабиб Абдулла-ев бошлаб берган эди. У 1939 йили Лангар вольф-рам кони мавзусида ном-зодлик илмий даражасини олиш учун диссертация химоя қилган эди. Олим-нинг бу борада махсус асари ҳам бор.

маъдан конларини топиш ва уларнинг сановат захи-раларини аниқлашдек йи-рик тадқиқоти устида иш олиб борган академик Иб-роҳим Ҳамробоев ва унинг бир гуруҳ шогирдлари Бе-руний номидаги республи-ка давлат мукофоти сов-риндорлари бўлишди.

## АНТИҚА МУЗЛАТГИЧ

Киши муштумидан сал каттароқ совиткич қурил-мани кўрганмисиз? Жар-роҳлар учун яратилган ана шундай аппарат пла-стик операция пайтида, яъни соғлом ердаги тери-

## Биласизми?

ни жароҳатланган ерга кўчириб ўтказаятганда, шу тери тўқималарини ўлишдан сақлайди.

Асбобнинг ишлаши термозлектр ҳодиса-сига асосланган. Унинг ҳароратини анча дара-жада ўзгартириш мум-кин.

Курилманинг алмаш-тирса бўладиган учлиги тананинг қулоқ, бурун, лаб, ияк каби давола-надиган аъзолари шак-лида қилиб ясалган.

**ISHONCH**

Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**МУАССИС:** Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

**Тахрир хайъати:** Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ҳубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Довриё»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эшонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 23.00

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**Манзил:** 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмақонда чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373. 1 2 3 4 5 6